ЎҚУВ ИШЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Шукурулло Мардонов
Чирчиқ давлат педагогика институти профессори

Мавлон Бекмирзаев
Жиззах давлат педагогика институти тадқиқотчиси

АННОТАЦИЯ

Мақола ўқув жараёнида ўқувчиларининг зоологияни ўқитиш самарадорлигини ошириш ҳамда ўқувчиларнинг ўқув, интеллектуал ва шахсни ривожланишини рағбатлантиришга йўналтирилган ўқув ишларини шакллантириш технологиялари ёритишга бағишланган.

Калит сўзлар: ўқув фаолияти, усуллар, тамойил, ўқув топшириғи, билим, кўникма ва малакалар, инновацион модель.

TECHNOLOGY OF FORMATION OF STUDY WORK

Shukurullo Mardonov
Professor of Chirchik State Pedagogical Institute

Mavlon Bekmirzaev
Researcher of Jizzakh State Pedagogical Institute

ABSTRACT

The article is devoted to the coverage of technologies for the formation of educational work aimed at increasing the effectiveness of teaching zoology to students in the learning process and stimulating the educational, intellectual and personal development of students.

Keywords: learning activities, methods, principles, learning task, knowledge, skills and competencies, innovative model.

КИРИШ

Биз ўқув ишлари усулларини шакллантириш технологиясини таълимга амалий ёндашувдан келиб чиққан ҳолда амалга оширдик, яъни ўқув фаолияти усулларини тайёр ҳолда тақдим этмай, балки ўқувчиларнинг мустақил

аниқлашлари асосида ташкил қилдик. Усулларни жорий қилишда босқичма-босқич тамойилига таяндик.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Ўқув фаолияти усулларини эгаллаш босқичлари бир дарснинг ўзида ҳам, бир қанча дарсларда ҳам амалга оширилди:

1. Ўқув топшириқларининг “изланиш” асосидаги ечими - ўрганилган назария асосида, илгари маълум бўлган ўхшаш усуллар билан таққослаб, машҳур усулни умумлаштириш ва ўтказиш асосида, ички сезгига асосланиб, синов ва йўл қўйилган хато воситасида ва ҳоказо.

2. Ўқув топшириғини ўқитувчининг ёрдамида таништириш:

- ўқувчиларнинг берилган топшириқ ечими бўйича фаолият турларини аниқлаш ва тартиб бўйича қайд этиб бориш;

- фаолиятлар рўйхати (эслатмалар) кўринишидаги усуллар таркибини шакллантириш ва тартибга солиш - ўқувчининг зарур вазиятларда ишлатиши қулай кўринишда дафтарида, карточкасида, стендда, дарслигида ёзилиб туриши лозим;

- усулларни қўллаш намуналарини кўрсатиш - ўқув машқларини бажариш, қўллаш бўйича оғзаки кўрсатмалар, ундан фойдаланиш бўйича маслаҳатлар.

Шу тариқа, кўрсатмалар (йўл-йўриқлар) ўқувчиларга дастлаб тор (хусусий) доирадаги фаолият усуллари ҳақида тушунча беради; бу босқичда оғзаки таълим бериш усуллари ва кўргазмалилик (эслатмалар) элементлари устунлик қилади.

Татбиқ этилган усул юзасидан бажарилган амалий машқлар шартли равишда уч гуруҳга ажратилди:

1) асосий усулнинг (асосий вазифалар ечимига тайёрловчи машқлар деб аталувчи) алоҳида таркиб топдирилган усулларини ўзлаштиришга йўналтирилган машқлар;

2) алмашлаш (муҳим ёки аҳамиятсиз тушунчалар ва уларнинг хусусиятлари) методи асосида, ечим усулини сақлашда мазмунини мураккаб-лаштириш билан тузилган машқлар;

3) ўрганилаётган мавзу юзасидан анъанавий топшириқлар “тасоддифий” ҳолда ечилади. Барча машқлар усул таркибидаги фаолиятларнинг оғзаки гапириш ва тушунтириш йўли билан ечилади.

Машқларни оғзаки шаклда ечишга рухсат берилади - зоологик диктантда, тестда, дидактик ўйинларда, таълимий характердаги мустақил ишга қўшимчалар киритишда, улардан қўшимча саволлар сифатида фойдаланиш. Ўқувчиларнинг

турли вазиятларда анъанавий (стандарт) топшириқларни ечишни ўзлаштириши бу босқичнинг натижаси саналади.

Назорат босқичида жорий ёки оралиқ назорат деб номланувчи назорат турлари амалга оширилади – бошқача шаклда: ўзини назорат қилиш, ўзаро назорат қилиш, намуна билан солиштириш, бўшлиқларни аниқлаш. Усулни ўзлаштиришда назорат натижаларига кўра йўл қўйилган хатоларни тузатиш, тегишли кўникмаларни мустаҳкамлаш ва уларни кўникма ва малакага айлантириш чоралари кўрилди. Ушбу босқичда ёрдамчи восита сифатида "хатони топ" кўринишидаги машқлар танланди. Машқни бажаришда ўқувчилар таълим фаолиятининг тегишли ўқув усулига мурожаат қилишлари ва уни ташкил қилувчи қисмларининг ҳар бирининг тўғрилигини текшириш-лари керак бўлади. Хатони тузатиш мақсадида суҳбат, жамоавий ва индивидуал равишда хатоликларни таҳлил қилиш, уларни тузатиш, мисоллар, аргументлар ва қарши қарашлар келтириш, индивидуал карточка-эслатмалар, индивидуал ва дифференциялашган топшириқ ва бошқалар.

Ўзлаштирилган усулни қўллаш босқичи таълим фаолияти усулларини шакллантиришда жуда муҳимдир. Бу босқичда ўқитувчи ўқувчиларга ўзлаштирилган усулларни қўллашнинг турли вазиятларини тушуниш ҳамда берилган масала ечимида зарур усулни эслаш, унинг таркибига кирувчи фаолиятлар тизимини амалга ошириш ёки билим ва фаолят усулидан фойдаланишнинг махсус усулини тузиш каби кўзда тутилган вазиятларни яратишга ёрдам берувчи назарий билимларни умумлаштириши лозим. Натижада, ўқувчиларда турли вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган таълим фаолиятининг йўналтирилган асоси ташкил этилади.

Кейинги босқич – умумлаштирилган усулни мустақил мустаҳкамлаш вазиятини яратишдир. Ўқувчилар ўзлаштирилган умумлашган методларни мустақил равишда қанчалик кўп қўллашса, улар онгида нафақат усул таркибига кирувчи мавжуд асосий фаолият, балки бу фаолиятларнинг турли кўринишлари (вариантлари) мустаҳкамланади. Бу ўз навбатида тажрибани тўплаш жараёнида мавжуд фаолиятларни аниқлаш ва ўзгартириш, яъни ўзлаштирилганларга асосланган янги усулларни топиш имконини беради.

Таълим жараёнининг янги усулларини топиш элементлари аввалги босқичлар таркибида мавжуд бўлиб, уларни мустақил равишда топишнинг баъзи бир усулларини белгилаш имкониятини беради: а) ўқув топшириқ-ларини ечишнинг муайян ҳолатларини умумлаштириш; б) маълум усулларни қайта тузиш ва бошқа вазиятларга татбиқ этиш; в) умумий усулни конкретлаштириш ва ихтисослаштириш; г) аналогия; д) математикада ўзаро тескари машқларнинг

структурасини тушунишга, анализ ва синтез қилиш, умумлаштириш ва аниқлаштириш, дедуксия ва индуксия ва бошқа ўзаро қайтар алоқа каби умумий ақлий фаолият усулларини тушунишга хизмат қилувчи олдинги усулга тескари янги усулни топиш; е) ўрганилаётган назарий материалнинг мазмунини таҳлил қилиш асосида, мустақил равишда янги усулни топиш мумкин. Мазкур босқичнинг натижаси сифатида ўқувчиларнинг турли таълим вазиятларида мустақил равишда ва оқилона ҳаракат қилиш одатларини шакллантириш. Бу ўз навбатида юқори синфларда зарур босқичда ва етарли даражаларда бўлиши талаб этилади. Ўнбир йиллик таълим охирида ўқув фаолияти умумий кенг тарқалган усулларини шакллантириш юқори синф ўқувчилари учун нафақат мустақил, балки ижодий фаолият учун ҳам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Бошқа ҳолларда, бу бўлиниш шартли ҳисобланади ва ўқувчилар контингенти, ўқув йўналиши ва ўқув вазиятидан келиб чиқиш ҳолатига қараб фарқ қилиши мумкин.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Тажрибани ўтказиш жараёнида ўқувчиларининг зоологияни ўқиш самарадорлигини оширишга ҳамда уларнинг ўқув, интеллектуал ва шахсни ривожланишини рағбатлантиришга йўналтирилган бошланғич модель яратилди.

1-жадвал

Зоология дарсларида шакл ва технологияларни комплекс қўллаш инновацион модели

МАҚСАДЛАР БЛОКИ

Ижтимоий эҳтиёж – инновацион ривожланиш концепцияси

Ижодий фикрлаш, кўникма ва мотивация, янги таълим моделларини узлуксиз ривожлантириш ва давомий такомиллаштириб боришга қаратилган ўқитишнинг замонавий метод ва технологияларидан фойдаланишга ўтишни таъминлаш

МАҚСАДЛАР

Инновацион модель учун	**Биологик таълим учун**	**Инновацион фаолият учун**
“Зоология” фани бўйича мустақил, ижодий фикрловчи кенг дунёқарашли шахсни тарбиялаш	Биологик атамаларни, тушунча, назария ва уни амалда қўллаш кўникмаларига эга, биологик ва экологик саводхон шахсни тайёрлаш	Ўқувчиларнинг турли хил қизиқиш ва эҳтиёжларига фаол таъсирланиш ҳамда ўқувчиларнинг таълими ва ривожланиши сифатининг юқори кўрсаткичларига эришиш

ТУШУНЧАЛАР БЛОКИ

Педагогик инновация Педагогик фаолиятга янгиликлар киритиш, ўқитиш ва тарбиялаш самарадорлигини ошириш мақсадида технологиялар мазмунига ўзгартиришлар киритиш	**Инновацион модель** Ўқитишнинг шакл ва технологияларини комплекс қўллашнинг инновацион модели бу - мураккаб, очиқ, шахсни ривожлантиришга йўналтирилган методик таъминотга эга педагогик тизим шахснинг креатив ривожлантириш вазифасига мос методлар, усуллар ва эвристик воситалар бўлиб, модел ўқувчининг ўқув фаолиятида унинг ижодий қобилиятларини намойиш қилишга, юқори натижаларга эришишига хизмат қилади

БАҲОЛАШ-ДИАГНОСТИКА БЛОКИ

МЕТОДЛАР	МЕЗОНЛАР	ДАРАЖАЛАР
ДавлатқонунчиликваДдирективҳужжатлар, ўқувҳужжатлари, ўқитувчиларваўқувчиларучунсўровномалар, ўрганишуслублари, кузатувлар, суҳбатлартаҳлили	Мотивацион Креатив Амалиётга йўналтирилган Шахсни ривожлантиришга қаратилган	Реподуктив Маҳсулдор Ижодий

ХУЛОСА

Янгилик ва ўзгаришлар блоки

Таълим технологиялари ва шаклларининг инновацион комплекс модели

Педагогик технологиялар		**Ўқитиш шакллари**
Фаолиятга йўналтирилган (тадқиқот-ривожлантирув-чи) – эвристик муаммоли ўқитиш, тадқиқот фаолияти, танқидий фикраш технологияси, МТК (мантиқий таянч конспектлар) технологияси	**Шахсни ривожлантиришга йўналтирилган** Лойиҳалаш, мослаштириш, табақалаштирилган (дифференцияциялашган) таълим технологияси, жуфт марказлашган технология, ўқув ишларини шакллантириш технологияси	**Дарслар:** Практикумлар Семинарлар Эвристик экскурсиялар Конференциялар Оғзаки комбинациялашган журналлар

НАТИЖАЛАР БЛОКИ

Ўқувчилар учун	**Ўқитувчила ручун**	**Мактаб учун**	**Жамият учун**
-таълим натижаларини ошириш; -ўқув мотивациясини ошириш; -эркин, ижодий ривожланиш имконияти; -ўқитувчи билан ўзаро алоқа майдонини кенгайтириш.	-технологик компитенцияни ривожлантириш; Инновацияларни жорий қилишга тайёрланиш; -ўқувчилар билан диалогларнинг янги шаклларини эгаллаш; -баҳолаш тизимини такомиллаштириш; -инновацион фаолиятда қобилиятларни намойиш этиш.	-ўқув дастурларини такомиллаштириш; -фаолият натижаларининг шаффофлиги; -таълим жараёни қатнашчилари орасида алоқаларни мустаҳкамлаш; -рақобатбардошликни ошириш.	-инновациялар самарадорлиги ва зарурлигини исботлаш; -бошқа таълим муассасаларида тажриба учун моделларни яратиш ва методик кўрсатмаларни оммалаштириш

REFERENCES

1. Загвязинский В.И. Инновационные процессы в образовании и педагогическая наука // Инновационные процессы в образовании. – Тюмень, 1990. – С.5-14.
2. Зоология позвоночных: теория и практика: учебно-методическое пособие / Н.В. Погодина [и др.]; [научный редактор В. Л. Вершинин]; Министерство образования и науки Российской Федерации, Уральский федеральный университет. - Екатеринбург: Издательство Уральского университета, 2016. -104 с.
3. Корнилова Т.И.Инновационная деятельность педагога в современных условиях http://www.informio.ru/publications/id384/Innovacion-naja-dejatelnost-pedagoga-v-sovremennyh-uslovijah
4. Мавланов О. “Зоология”. Умумий ўрта таълим мактабларининг 7-синфи учун дарслик. –Т.: “Ўзбекистон МЭ”, 2017. -208 с.
5. Мавланов О., Нажимова С., Нишанбаева М. Зоологияни ўқитиш методикаси ва технологиялари. 7-синф. Умумтаълим мактабларининг биология ўқитувчилари учун қўлланма. –Т.: “Ўзбекистон МЭ”, 2005. - 160 б.

6. Мажитова Ш.Н. Бўлажак ўқитувчиларни касбий тайёрлашда замонавий инновацион технологиялар // Инновацион технологиялар шароитида талаба шахсини шакллантириш. Ўқитувчилар ва ўқитувчилар учун дарслик. -Тошкент, 2009. 144-154 б.
7. Мардонов З.А. Биология ўқитувчиларини касбий тайёрлашда модуль технологиялари. –Тошкент: Фан ва технология, 2019.
8. Никишов А.И. Теория и методика обучения биологии. - М.: КолосС, 2007.- 304 с.